

## ТУРКИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ЯНГИ ДАВРИ: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ



## ВАТАН ВА МИЛЛАТ ҒУРУРИ

**Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуни мамлакатимиз мустақилликка эришгач қабул қилинган дастлабки қонунлардан бири ҳисобланади. Бу қонун давлат байроғининг шакли ва тузилиши, унинг мақоми, ундан қаерларда ва қандай фойдаланиши тартибларини белгилаб берган.**



18 НОЯБРЬ -  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**Ж**орий йилнинг 14 ноябр куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида Ўзбек-қирғиз давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Андижон (Кампиробод) сув омборининг сув ресурсларини бирга-лиқда бошқариш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақидаги қонун лойиҳалари юзасидан ахборот берди.

## ЎЗАРО ТУТУВЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ҳукумат раҳбари кўшни Қирғизистон билан келишилмай қолган 35 участка – жами 302 км чегаралар буйича яқини келишувга эришилганини ва ушбу битим устида беш йилдан ортиқ муддат давомида ишланиб, ниҳоят яқини бир тўхтамага келинганини маълум қилди.

“Андижон сув омбори қурилган СССР даврида Ўзбекистон чал қирғоқдан 200 километрдан узунроқ канал қуриш мажбуриятини олган эди. Лекин у қурилмай қолиб кетган. Шу сабабли

Қирғизистон тарафи Бурганди массивида 8 минг гектардан ортиқ ерларни ўзлаштирмай қолган. Ушбу ерларни компенсация қилиш мақсадида олдиндан баҳсли бўлган Наманган вилоятининг Поп ва Чуст туманларидаги Ғовасой участкасидан 12 минг 709 гектар яйлов майдонларини Қирғизистонга ўтказиб бериш таклиф қилинган”, дея изоҳ берди Абдулла Арипов.

Бош вазир ахборотига кўра, Сўх тумани буйича ҳам алоҳида келишувга эришилган. Хусусан, Чашма булоғи-

дан фойдаланишни тартибга солувчи ҳамда икки мамлакат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳукуматлар ўртасида алоҳида келишув имзоланиши кўзда тутилмоқда. Мазкур келишув имзоланганидан сўнг икки ўртадаги чегара масаласида баҳсли низолар тўлиқ равишда ўз ечимини топишни, шунингдек, чегаралар дахлсизлиги таъминланиб, чегара ҳудудларда турли хил келишмовчиликлар содир бўлишининг олди олиниши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Ақтам ХАЙТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,  
O'zLiDeP фракцияси раҳбари:

— “Ен қўшни – жон қўшни” ёки “Маслаҳатли тўй тарқамас” деган ажойиб ҳалқона ибораларимизга, қолаверса, азалий шарқона урф-одатларимизга қатъий риоя қилган ҳолда иш тутушимизни бугунги жараёнлар яққол кўрсатяпти. Бу масалада давлатимиз раҳбарининг позицияси аниқ, яъни аввало, яқин қўшниларимиз билан очик ва амалий, фаол ҳамкорлик алоқаларини олиб боришимиз зарур. Шунинг учун ҳам қисқа вақт ичида Ўзбекистон ва қўшни давлатлар чегара чизиқларининг энг мураккаб ҳудудлари буйича ўзаро мақбул ечимлар топишга эришилляпти.

**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Тарихдан маълумки, ўзбек ва қирғиз халқлари неча асрлардан буён ёнма-ён оға-ини, қуда-анда бўлиб яшаб келишяпти. Икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқалари йил сайин ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз раҳбарлари кўп асрлик қардошлиқ ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида бағрикенглик, барқарорлик муҳитини сақлаб қолишга интиломоқда.

Шахсан ўзим Қирғизистон билан чегарадор ҳудуддан сайланган депутат сифатида кўшни давлат билан умумий сувдан самарали фойдаланиш буйича келишувни тўлиқ

қўллаб-қувватлайман. Мазкур келишувнинг амалга оширилиши, энг аввало, сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни тартибга солиш, водий вилоятларини оби ҳаёт билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бош вазир битимни икки томонлама ратификация жараёнлари яқунлангач, ҳар бир келишилган ҳудуд буйича алоҳида ишлар олиб борилишини маълум қилди. Қуйи палата аъзолари ҳар иккала қонун лойиҳасини уч ўқишда қабул қилишди, энди бу қонунлар Олий Мажлис Сенатига юборилади.

O'zLiDeP матбуот хизмати

**С**амарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммити барқарорлик, хавфсизлик ва улуксиз тараққиётни таъминлаш манфаатлари йўлида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашининг янги йўналишларини белгилаб бергани билан тарихий аҳамиятга молик. Кўҳна ва навқирон шахар ТДТнинг турли тadbирлари учун учрашув ва музокаралар майдонига айланди. Халқаро форум, конференция ва учрашувларда иштирок этиш учун хорижий делегациялар ва меҳмонларга мезбонлик қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида олтига аъзо ва кузатувчи давлатлар етакчилари, бош котиб ва тузилмалар раҳбарлари иштирок этган саммит барча воқеаларнинг мантиқий яқини бўлди. Давлатимиз раҳбари ҳамкасбларига қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқандни Туркий цивилизация пойтахти деб эълон қилишни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди. Дарҳақиқат, бу қарор ўз-ўзидан қабул қилинмади. Зеро, Самарқанд шаҳри бутун туркий халқларнинг фахридир. Буюк туркий сулолаларнинг пойтахти бўлиб, туркий халқларнинг давлатчилиги, илм-фан ва санъати ривожига улкан ҳисса қўшган макон ҳисобланади.

“Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида ўтказилган саммит туркий давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорлик учун янги уфқлар ва истиқболларни очди. Президентимиз таъбири билан айтганда, туркий оила кўп асрлик тарихимизда илк бор янгилашган ташкилотимиз доирасида тўлиқ йиғилди.

Давлатимиз раҳбари ТДТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари буйича қатор аниқ таклиф ва амалий ташаббусларни илгари сурди. Аввало, ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш, яшил иқтисодиёт, ахборот технологиялари ва транспорт коммуникацияларини ривожлантириш орқали савдо-иқтисодий алоқалар асосларини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди. Ушбу фояларни амалга ошириш мақсадида “Янги иқтисодий имкониятлар маконлари”ни шакллантириш, Халқаро туркий иқтисодий форумини ўтказиш, транспорт соҳасида ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

ТДТ маконида озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришнинг самарали механизмларини шакллантириш буйича битим тузиш ва ушбу ҳужжат орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги урғуланди. Ёшлар соҳасидаги ҳамкорликка эътибор қаратилиб, келаси йили туркий давлатлар ёшларининг фан ва инновациялар буйича халқаро конгрессини ўтказиш таклиф этилди. Бундан ташқари, ташкилотнинг институционал ислохотларини амалга ошириш, жумладан, хавфсизлик, савдо, инвестиция, транспорт, қиш-

лоқ ҳўжалиги, энергетика, туризм, фан ва технология, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда кўмиталар ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Туркий давлатлар етакчилари Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан илгари сурилган тинчлик ва барқарорликни, кенг халқаро ҳамкорликни таъминлаш ва инсониятнинг барқарор ривожланишига кўмаклашишга қаратилган “Умумий хавфсизлик ва фаровонлик учун Самарқанд бирдамлик ташаббуси”ни олқишладилар. Халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан аъзо давлатларнинг келишилган позициялари саммитнинг асосий яқини ҳўжжати сифатида қабул қилинган Самарқанд декларациясида қайд этилди. Мазкур ҳўжжат минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал қилишда томонларнинг умумий ёндашувларини акс эттиради ва ташкилотни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беради.

Музокаралар яқунлари буйича ўндан ортиқ кўптомонлама ҳўжжат қабул қилинди. Бу эса, шўбҳасиз, ташкилот фаолиятининг истиқболли йўналишлари буйича ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги амалий мазмун билан тўлдирди. Қайд этиш керакки, “Туркий нигоҳ – 2040” концепциясини амалга ошириш доирасида 2022–2026 йилларга мўлжалланган Туркий давлатлар ташкилотни стратегияси ишлаб чиқилгани мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни кучайтириш имконини яратди.

Пандемиядан кейинги даврда ва жаҳон иқтисодиётидаги нотинчликнинг кучайиши шароитида ТДТ маконида иқтисодий тикланишни жадаллаштириш мақсадида аъзо давлатлар ўртасида Савдонинг энгиллаштириш стратегияси тасдиқланди ва Соддалаштирилган божхона коридорлари тизимини шакллантириш тўғрисидаги битим имзоланди. Туркий инвестиция фондини қисқа муддатларда ташкил этиш тўғрисидаги қарор ўзига хос бир ютуқ бўлгани шўбҳасиз. Бу ТДТ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли лойиҳа буйича ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда ва реал секторларда ҳамкорликни ривожлантиришда умумий кучли сиёсий-ҳўқуқий иродани намойн этди. Саммит доирасида имзоланган Халқаро аралаш юк ташишлар тўғрисидаги битим ва Транспорт боғлиқлиги дастури соҳадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун янги имкониятларни тақдим этади.

Туркменистон Халқ Маслаҳати “Миллий Генгеш” раиси Гурбангули Бердимўхамедов ва Туркия Президентини Режеп Таййип Эрдоғунинг Турк дунёсининг энг олий ордени билан тақдирланиши саммитнинг муҳим воқеаси бўлди. Шунингдек, Туркий дунё битлигини таъминлашга кўшган ҳиссаси учун Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот буюк қирғиз ёзувчиси, давлат ва жамоат арбоби, шунингдек, туркий халқлар тарихи ва маданиятини бутун дунёга ёйишда беқиёс ҳисса қўшган бетакор шахс Чингиз Айтматовга берилди.

Самарқанд саммити Туркиянинг ТДТга муваффақиятли раислигини яқунлади ва раислик Ўзбекистонга ўтди. Ташкилотнинг навбатдаги саммитини келгуси йили Қозғистонда ўтказишга қарор қилинди. Аъзо давлатлар Президентимизнинг 2023 йили Туркий цивилизациянинг юксалиши йили деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифини бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Туркий давлатлар ташкилоти минтақавий ва халқаро кун тартибидagi долзарб масалаларни конструктив мухокама қилиш, туркий дунёда қардош халқлар ўртасидаги маданий алоқалар ва аъёналарни мустаҳкамлаш учун самарали халқаро платформа сифатида тақомиллаштириш бормоқда. Ўзбекистон раислиги даврда ушбу йўлдаги саяё-ҳаракатлар янги босқичга чиқиши шўбҳасиз.

МУХБИРИМИЗ

**XXI ASRNING 23-ЙИЛИДА  
ҲАМ “XXI asr” БИЛАН  
БИРГА БЎЛИНГ!**

**ОБУНА 2023**

**Обуна индекси – 406.  
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.**

**КАСАБА УОШМАЛАРИ:  
ДАВЛАТНИНГ  
ЭНГ ЙИРИК  
ИЖТИМОЙ  
ҲАМКОРИ**

**3**

O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

O'ZLIDEP  
19 ESHDA

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги XI мажлиси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа тарзида бўлиб ўтган йиғилишда партиянинг 2022 йил ўтган даврдаги фаолияти яқунлари ҳамда “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури” да белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда O'zLiDePнинг иштироки билан боғлиқ вазифаларнинг қандай амалга оширилиши атрофида муҳокама қилинди.

Йиғилишни O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ақтам Хаитов кириш сўзи билан очар экан, аввало барчани партиянинг 19 йиллиги билан табриклади. Сўнг қуйидагиларни эътиборга олди:

– Ўтган қисқа, лекин салмоқли муддат

## БИР ҒОЯ ВА МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК



мобайнида партиямиз белгилаб олинган йўналишлар бўйича, айтиш мумкинки, юксалиш палласига кириб бораётган. Албатта, тарихимиз саҳифасига битилган ўн тўққиз йил жуда текис ва муаммоларсиз кечди, десак янглишган бўламиз. Бу давр оралиғида, табиийки, турли кўринишдаги муаммоларга ҳам дуч келинди, буларни яшириб бўлмайди. Энг асосийси, O'zLiDeP мамлакат сиёсий майдонидида бу йиллар ичида анча тажриба орттирди, ўси, сафлари йил сайин кенгайиб борди. Бугунги кунга келиб эса ушбу сиёсий куч ўз тараққиётининг янги сифат босқичида турибди. Бу, энг аввало, партиямиз сафлари ошаётгани ва ташкилий жиҳатдан мустақамлашни жараёни тақомиллашга ётигани билан боғлиқ.

Масалан, ҳозирги кунда партиянинг 1 миллион 200 мингдан зиёд аъзоси бўлиб, қарийб 14 мингта бошланғич партия ташкилотини бирлаштириб турган етакчи сиёсий кучга айланди. Шунингдек, парламентда ва жойлардаги

205 та банддаги вазифалар ижроси жамиятимиз тараққиётида муҳим роль ўйнавчи ҳужжатлар қабул қилиниши, давлат дастурлари, партиявий лойиҳалар амалга оширилиши орқали таъминланяпти. Белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назорати тизими амалга ошириляпти.

Масалан, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ташаббуси билан “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” ва “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар ишлаб чиқилди. Бизнес юртишга оид қонун ҳужжатларини ўзида мужассам этган “Тадбиркорлик кодекси” лойиҳаси устида тегишли вазирлик ва идоралар, партия фаоллари, соҳа мутахассислари ҳамда экспертлар билан ҳамкорликда ишлар олиб бориляпти.

Яна бир муҳим масала мамлакатимиз ҳаёти, келажагига дахлдор бўлган Конституциямизни тақомиллаштириш жараёни билан боғлиқ тарғибот ишларида ҳам O'zLiDePнинг баъра даражадаги кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари, депутатлар, фаоллар билан ҳамжиҳатликда иштирок этишди. Тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиб, таклифлар олиш ишларини амалга оширди.

Ҳисобот даврида Конституция ислоҳ қилинишига бағишланган 7 минг 22 та тадбир ўтказилиб, уларда қарийб 275 мингга яқин фуқаро қатнашганини ҳам қайд этиш зарур. Тадбирлар давомида 8 мингдан ортиқ таклиф билдирилган бўлиб, партия худудий ишчи гуруҳлари томонидан 5 мингдан ортиқ таклиф республика ишчи гуруҳига юборилган. Мазкур таклифларнинг 2 719 таси Конституциявий комиссиясига киритилди.

Тадбирда Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясидаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган O'zLiDePнинг чора-тадбирлар режаси ижроси ҳам танқидий-тахлилий сарҳисоб қилинди.

ҳокимият вакиллик органларида ҳам биз энг кўп депутатлик ўрнига эгамиз. Келтирилаётган рақамлар партиянинг интилишлари зое кетмагандан, халқ орасида нуфузи ортиб, ижтимоий базаси узлуксиз кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Тўрт марта Президентлик сайловларида ҳамда тўрт марта парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўтказилган сайловларда муваффақиятга эришдик. Табиийки, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Жойлардаги фидойий фаолларимиз меҳнати туфайли бугун юзимиз ёруғ бўлиб турибди.

Аввало, шунини алоҳида қайд этаманки, партиямиз сайловолди дастури 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамохандир. Хусусан, сайловолди дастурида қайд қилинган “Инсон қадрини улуғлаш”, “Инсон-жамият-давлат” деган муҳим тамойил ва ғоялар акс этгани эътиборга молик. Дастурида баён қилинган

ҳокимият вакиллик органларида ҳам биз энг кўп депутатлик ўрнига эгамиз. Келтирилаётган рақамлар партиянинг интилишлари зое кетмагандан, халқ орасида нуфузи ортиб, ижтимоий базаси узлуксиз кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Тўрт марта Президентлик сайловларида ҳамда тўрт марта парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўтказилган сайловларда муваффақиятга эришдик. Табиийки, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Жойлардаги фидойий фаолларимиз меҳнати туфайли бугун юзимиз ёруғ бўлиб турибди.

Аввало, шунини алоҳида қайд этаманки, партиямиз сайловолди дастури 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамохандир. Хусусан, сайловолди дастурида қайд қилинган “Инсон қадрини улуғлаш”, “Инсон-жамият-давлат” деган муҳим тамойил ва ғоялар акс этгани эътиборга молик. Дастурида баён қилинган

ҳокимият вакиллик органларида ҳам биз энг кўп депутатлик ўрнига эгамиз. Келтирилаётган рақамлар партиянинг интилишлари зое кетмагандан, халқ орасида нуфузи ортиб, ижтимоий базаси узлуксиз кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Тўрт марта Президентлик сайловларида ҳамда тўрт марта парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига ўтказилган сайловларда муваффақиятга эришдик. Табиийки, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Жойлардаги фидойий фаолларимиз меҳнати туфайли бугун юзимиз ёруғ бўлиб турибди.

Аввало, шунини алоҳида қайд этаманки, партиямиз сайловолди дастури 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамохандир. Хусусан, сайловолди дастурида қайд қилинган “Инсон қадрини улуғлаш”, “Инсон-жамият-давлат” деган муҳим тамойил ва ғоялар акс этгани эътиборга молик. Дастурида баён қилинган

**Шўҳрат БАҒАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– O'zLiDeP Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари, партия ходимларидан иборат 21 та республика ишчи гуруҳи ҳамда 315 та худудий ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, жамоатчилик ва депутатлик назорати бўйича 1 900 дан ортиқ давра суҳбати, эшитув, амалий семинарлар ўтказилди.

Партия ишчи гуруҳлари томонидан худудлар кесимида жойларда тадбиркорлик, хусусан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, 200 та янги sanoat зоналарини ташкил этиш, бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган омилларни ўрганиш, қишлоқ

ҳўжалигига интенсив ривожланиш механизми, фермер ва деҳқонларнинг даромадларини ошириш йўлларини жорий қилишга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, инвестицияларни жалб қилиш ҳолати устидан доимий мониторингни йўлга қўйиш йўналишлари бўйича ўрганишлар олиб борилди. Унга кўра партияда ташкил қилинган “call-center” га жами 353 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 260 таси тадбиркорларнинг муаммосини ҳал этишда кўмаклашиш юзасидан бўлса, 93 таси бизнес муҳитини яхшилаш борасида қонунчиликни тақомиллаштириш бўйичадир. Мазкур мурожаатлар тегишли вазирликларга жўнатилиб, ҳал қилиш чоралари тизими олиб бориляпти.



**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**  
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари,  
партия фракцияси аъзоси:

– Тараққиёт стратегиясининг ижтимоий соҳани амалга ошириш, яъни хотин-қизлар ва ёшлар масаласи ҳам энг муҳим йўналишлардан бири саналади. Бу борада жойларда, айниқса, энг чекка қишлоқларда “Бугуннинг тадбиркор аёли”, “Менинг бизнес ғоям”, “Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори!”, “Бир депутат – юз аёлга кўмакчи!”, “Мен ҳам тадбиркор бўламан” каби қатор партиявий лойиҳалар доирасида тадбиркорлик субъектларига бизнес-турлар ташкил қилинди. Бу орқали ишсиз хотин-қизлар, ёшлар турли касб-хунарларга ўқитилиб, ўз бизнесларини бошлашди ва бандлигини таъминлашга эришилди.

Ўтган йиллар давомида 80 мингта яқин

ишбилармон аёлни қамраб олган “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови бу йил мулақо янги форматда ташкил этилди. Ўтган танловлардан фарқли ўлароқ бу йилги кўрик-танлов “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!” шiori остида ўтказилди ва унда ҳар бир вилоятда ғолибликни қўлга киритганлар танловнинг республика ғолиблари деб эълон қилинди.

Бундан ташқари, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”га киритилган фуқаролар билан тизимли ишлар ташкил қилиниб, бу борада мутасадди ташкилотлар раҳбарлари устидан жамоатчилик ва депутатлик назорати ўрнатилди.

Йиғилишда давлат бошқаруви, таълим, тиббиёт, маънавият ва умумбашарий муаммолар йўналишида ҳам партия ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилган ишлар тахлил қилинди. Бу каби ижобий ишлар, ютуқлар билан бир қаторда ишчи фаолиятидаги камчиликларни, хали қилиниши лозим бўлган бир қатор устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, партия фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## КУЧИМИЗ БОР, ИМКОНИАТЛАРИМИЗ КАТТА

**Сағиндиқ ТУРМАНОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири,  
O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси

Партиянинг ғоявий мақсад ва вазифаларини аҳоли орасида тарғиб қилишда қуйи бўғинларнинг ўрни катта. Бошланғич ташкилотлар сиёсий кучнинг таянч нуқтаси ҳисобланади, боисики, жўяли таклифлар аввало, ана шу бўғинларда шаклланади. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 80 мингдан зиёд сафдошларимиз 1 027 та БПТга бириккан ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўбга чиқариш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий-қуқуқий билимларини мустақамлаш, ислохотларда фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Соғлом ва баркамол, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб юзга етказиш борасида кенг кўламли ишлар ўз мевасини бера бошлади. Халқ орасига чуқурроқ кириб бориш, одамларнинг аҳолидан хабардор бўлиш, уларнинг нуносиб ҳаёт кечиришлари учун тўққинлик қилаётган камчиликларни бартараф этиш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг асосий мақсадларидан эканини депутатларимиз дилдан ҳис этган ҳолда аҳоли мурожаатларига партиявий воситалар орқали ечим топиш ва ижобий ҳал этишга жиддий эътибор қаратишяпти.



## ЭНГ БИРИНЧИ АЪЗОЛАРДАНМАН



**Хуршидаҳон ХАЛИЛОВА,**  
O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши раиси,  
Халқ депутатлари  
вилоят кенгаши депутати

Партия ташкил топишининг илк кунлариданоқ сафда бўлганим боис ўтаётган йиллар шиддатиде кеча ва бугунги ёрқинроқ сарҳисоб эта оламан ҳамда мамнун бўламан.

Тўғри, бу маррага етиб келиш машаққатли кечди. Аини вақтда қай гўшага, қай масканга бормайлик, аҳоли мурожаатлари билан ишлашга тўғри келади. Халқ дарди билан яшаши, инсон манфаатлари ҳимоясига бел боғлашни ўргатди партия аслида. Бугун аҳоли хоҳ коммунал, ижтимоий бўлсин, хоҳ иқтисодий ва ҳатто оилавий муаммолари ечимини ҳам партияга, унинг депутатларига ишонаётганига фаолиятимиз давомида гувоҳи бўляпмиз. Партия энг чекка манзилларга ҳам кириб бораётгани бор гап.

O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши замон билан ҳамнафас бўлиш, ишбилармонлик муҳитини янги йўналишларда жонбозлик кўрсатиш, аини кунга қадар эришилаётган ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилишга интиломоқда. Етакчи сиёсий куч сифатида вилоятнинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётида мустақам ўрин эгаллади. Андижонда бозор инфратузилмасини шакллантириш, ишбилармонларга қулай муҳит яратиш, уларнинг оғрикли нуқталарига маълум бўлиш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш сингари долзарб ва эзгу ишларни олиб бормоқда. Лойиҳалар асосида кенгаш бўлимлари самарали фаолият юритиб, салоҳиятли, кенг дунёқарашга, чуқур билимга эга кадрларни ҳам кашф этмоқдаки, улар бугун мутасадди ташкилотларда сиёсий нуфузини ошириш йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Аҳоли муаммоларини ҳал этиш машаққатли вазифа. Бу йўналишда депутатлар билан елкама-елка меҳнат қилляпмиз. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги 167 нафар, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 6 нафар куюнчак депутатларимиз кўмаги билан аксарият мурожаатларга ижобий ечим топяпмиз.

## ХАЛҚ ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИШ ОСОНМАС

**Нодира КАРИМОВА,**  
Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати

Йўлаб кўрсам, сўнгги 19 йил давомида ҳаётим партиявий фаолиятим билан узвий боғлиқ ҳолда кечибди. Сайловчилар ишонч билдириб ва уларнинг қўллаб-қувватлаши билан бир неча марта маҳаллий кенгашларга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатликка сайландим.

Баландравоз гаплар, шиорларга асосланган ғояларни халқимиз ҳеч қачон қўллаб-қувватламаган ва қўллаб-қувватламайди ҳам. Халқнинг ишончини қозонишни истаган сиёсий куч, авваламбор, кўпчиликнинг қалбидан ўрин олган, унга дилдан яқин бўлган ғояни илгари суриши, аҳолини узок келажақда эмас, балки шу бугунги ҳаётини яхшилаш, эртанги кунига ишонч билан қарашига қаратилган дастурларини илгари суриши лозим бўлади.

Шу маънода олиб қўрилганда, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган сўнгги сайловларда партиямиздан кўрсатилган номзод томонидан илгари сурилган “Ҳар бир инсоннинг қадр бор” шiori барча юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди. Одамлар шу юртда қадрли эканликларини, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар авваламбор, улар учун, уларнинг фарзандлари учун нуносиб турмуш шароитлари яратиб бериш, орзу истақларини амалга оширишга қаратилганига ишонишди.

Бу эса Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга жорий этишда O'zLiDePга алоҳида масъулият юкламоқда. Уйлайманки, мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч сифатида партиямиз, маслақдошларимиз бу масъулият юкнини ҳис қилган ҳолда, зиммаларидаги вазифани шараф билан удалашяпти.



**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**  
“XXI asr” муҳбири.  
Суратларни Сардор АМИНЖОНОВ олган.

**ИНСОН ҚАДРИ УЧУН**

**ҚИСҚА САТРЛАРДА:**

- Президентимиз ташаббуси билан 11 ноябрь – Ўзбекистон қасаба уюшмалари куни этиб белгиланган.
- Янги Ўзбекистон қасаба уюшмалари тизимида 5,5 миллион аъзони бирлаштирган 34 011 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда.
- 6700 нафардан ортиқ ходим ва 300 минг нафар фаол жамоатчилик асосида самарали меҳнат қилмоқда.
- 2022 йилнинг тўққиз ойи давомида 237 минг 975 нафар меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари учун тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди.
- тизим санаторийларида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларидан 293 нафари бепул даволанди.
- меҳнат қилаётган пенсионерлар, шунингдек, қасаба уюшмаси аъзоларининг пенсионер ота-оналаридан 5 минг 451 нафари имтиёзли равишда соғломлаштирилди.
- Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тасарруфида Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси иш бошлади.
- Федерациянинг сазъ-ҳаракати билан Халқаро меҳнат ташкилотининг бешта конвенцияси ва битта баённомаси ратификация қилинди.



Ўтган аср. 90-йиллар охири. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри саналган “Ишонч” газетаси тахририятида масъул котиб сифатида фаолият кўрсатиш билан бирга “Жаҳон қасаба уюшмалари” рукнини юритардим. У вақтлар ҳозиргидек онлайн маълумот алмашув ёки тезкор интернет қаёқда дейсиз!? Қизиқарли мақола ёзиш учун миллий кутубхонага бориб, соҳага оид хорижий китоб ва журналларни varaқлашга, нотаниш атамалар юзасидан изоҳ сўраб тажрибали мутахассису мутаржимларга бевосита учрашишга тўғри келарди.

Лекин изланиш ва интилиш ҳеч қачон зое кетмаслигини, мантиқий тахлилга таянган инсон албатта мақсадига етишини ўша пайтлардаёқ англай бошлаганман. Мана, масалан, дунёда қасаба уюшмаларининг вужудга келиш тарихи XVIII асрнинг иккинчи ярмига бориб тақаллиши кечагидек ёдимда. Ўша даврдаги Англияда ўзларини трейд-юнионлар деб атаган кишилар меҳнаткашларнинг капиталистик эксплуатациясига кескин норозилик билдириб чиқишган. 1868 йилдан бугунги қасаба уюшмаларининг қайсидир маънода “ажрд”и саналган расмий ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилган. 1899 йилга келиб мазкур тузилмалар “Трейд-юнионларнинг умумфедерацияси”га бирлашган.

Айни шу пайтлари АҚШда “профсоюз”нинг дастлабки шакли – меҳнат рицарлари вужудга келган. Кейинчалик улар ўз ўрнини “Америка меҳнат федерацияси”га бўшатиб берган. Германияда ҳам қасаба уюшмалари 1860 йиллардан Гирш-Дункерлар иттифоқи сифатида партиялар негизда пайдо бўлган. Хуллас, XX аср бошларидан барча мамлакатларда қасаба уюшмалари юзга келган. Бироқ қаердadir жадал ривожланиб, меҳнаткашлар манфаатининг фаол ҳимоячиси, қаерлардadir эса ҳукмрон партия лидерлари бошқардиган сиёсатни ёқлашдан нарига ўтмайди, ишчи-ходимларни фақат қоғозда муҳофаза-лайдиган жамоат ташкилоти янглиф фаолият кўрсатаверган.

Қасаба уюшмаларининг мамлакатимизда фаолият бошлаш тарихи ҳам ўтган аср бошларига бориб тақалади. Бироқ собиқ иттифоқ даврида ягона партиянинг “қизил” чакириқлари тарғиботи билан кўпроқ шуғуллангани учун юртимиз қасаба уюшмаларининг чинакам тарихи 1990 йилдан бошланади, десак муболаға бўлмади. Айни шу йил Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясини ташкил этиш ҳақида Декларация қабул қилиниб, уни ташкилий жиҳатдан расмийлаштириш ишлари 1991 йилда Федерация Уставини маъқуллаш билан якунланди.

Федерациянинг олий органи Қурултой хисобланади ва ҳар 5 йилда бир марта чакирилади. Улар оралиғида умумфаолиятга Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарлик қилади. Кенгаш аъзолари тармоқ қасаба уюшмаларининг Қурултойлари, қасаба уюшмалари ташкилотлари ҳудудий бирлашмаларининг конференцияларида сайланадилар.

– Мамлакатимизда меҳнат ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни давлат, қасаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги конструктив ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш орқали ҳал этиш борасида илғор тажриба тўплаган, – дейди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Қудратилла Рафиқов журналистлар билан суҳбатда. – Мазкур йўналишда республикамизда ҳар уч йилда бир марта Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва иш берувчилар конферацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош келишув имзоланади.



## КАСАБА УЮШМАЛАРИ: ДАВЛАТНИНГ ЭНГ ЙИРИК ИЖТИМОЙ ҲАМКОРИ



Бош келишув асосида 14 та ҳудудий ва 117 та тармоқ келишувлари, жойларда 111 мингта жамоа шартномалари тузилган. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларига кўра, ҳудудий-тармоқ келишувларини тузиш амалиёти қайта тикланди ва ижтимоий шериклар билан 368 та ҳудуди шундай келишувларни тузиш ишлари амалга оширилди.

Пойтахтимизда 11 ноябрь – Ўзбекистон қасаба уюшмалари кунига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда бундай ютуқлар қайта-қайта тилга олинди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу сана муносабати билан соҳа фаолларига йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Музаффар Комилов ўқиб эшиттирди.

Унда алоҳида таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда кечаётган янгила-ниш жараёнларида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг муносиб ҳиссаси бор. Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялаш, уларни кучли ижтимоий муҳофаза этишининг янги тизими яратилгани айни ҳақиқатдир. Ушбу федерация давлат ва халқ ўртасидаги кўприк вазифасини бажармоқда.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси “Инсон қадрини учун!” ғоясини дадил амалга ошираётган энг фаол жамоат тузилмасига



айланди. Айниқса, кейинги беш-олти йилда Ватан равнақи, халқимиз фаровонлигига, шунингдек, қасаба уюшмалари ҳаракати ривожига муносиб ҳисса қўшган энг фаол, фидойи ва ташаббускор ҳамюртларимиз меҳнатини рағбатлантириш яхши аниъанга айланди. Шу маънода, тилга олинган тантанали тадбирда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси



томонидан амалга оширилган турли ижтимоий лойиҳалар ва кўрик-танловлар ғолиблари тақдирлангани ҳам бежиз эмас. Маълумки, юртимизда жорий этилган “Аёллар дафтари” ижтимоий лойиҳаси халқро миқёсда ҳам катта қизиқиш уйғотиб, кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Бу борадаги эзгу ишларда барчага ўрнак бўлаётган ходимларни

рағбатлантириш мақсадида қасаба уюшмалари томонидан маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари ўртасида “Энг яхши маҳалла раиси”, ҳудудлардаги сектор раҳбарлари ўртасида “Энг яхши сектор раҳбари”, гендер сиёсати ва аёллар ролини ошириш борасидаги ишларни намунали ташкил этган корхона раҳбарлари ўртасида “Энг намунали иш берувчи аёл”, бандликни таъминлаш ва тадбиркорлик ривожига улкан улуш қўшаётган ҳоким ёрдамчиларини тақдирлаш мақсадида “Энг яхши ҳоким ёрдамчиси” танловлари таъсис этилди. Шу билан бирга, ёшлар муаммоларини ҳал этишга кўмаклашаётган навқирон етакчилар учун “Энг яхши ёшлар етакчиси”, маҳаллалардаги фаол хотин-қизларни рағбатлантириш мақсадида “Энг яхши хотин-қизлар фаоли” танловлари ўтказилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, юксак савияда ташкил этилган мазкур танловларнинг ғолиб ва совриндорларига Президент совғаси сифатида замонавий энгил автомобиллар берилди. Хусусан, уларда 3-ўринни қўлга киритганларга “Спарк”, 2-ўринга муносиб бўлганларга “Кобальт”, 1-ўринни қўлга киритган ғолибларга эса “Жентра” автомобиллари топширилди.

Очиғини айтганда, шундай ҳаяжонларни дақиқаларга гувоҳ бўлар эканмиз, яна қиёс ва таққос суратлари кўз ўнгимизда гавдаланавради. Боиси, илгари қасаба уюшмаларининг нафақат фаолияти, балки шундай ташкилотларнинг бор-йўқлиги ҳамма жойда ҳам сезилмасди. Ноҳақ ишдан бўшатилган ходимни қонун билан берилган ваколат доирасида ҳимоя қилиш у ёқда турсин, иш берувчига “пахта қўйиш”ни ўз касби деб билган, ишчилар бадалдан йиғилган пулларга раҳбарият учун гул ва совға-саломлар харид қилиш билан банд бўлиб қолган “профсоюз”лар яхшиямки тарихга айланди.

Энди-чи? Одамлар қасаба уюшмаларига

уларнинг дардига дармон бўладиган, муаммосини ечишга кўмаклашадиган жамоат ташкилоти сифатида ишонч билдиришмоқда. Бунинг муносабати билан ҳам катта қизиқиш мумкин. Мисол учун, 2022 йилнинг тўққиз ойида жисмоний ва юридик шахслардан 3731 та муружаат келиб тушган. Уларни ўрганиб чиқиш натижаларига кўра, қўллаб-қувватлаш бўлимига ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига жами 8 миллиард 903 миллион сўмга яқин зарар ундирилишига эришилган. Яъни, бугунги қасаба уюшмалари – амалий ҳаракат рамзи. Жорий йилнинг ўзида анқлав ҳудуд саналган Фарғона вилоятидаги Сўх туманида замонавий болалар соғломлаштириш оромгоҳи ёки Паркент туманининг бошқув масканиди “Заркент” санаторийиси, собиқ концерт зали ўрнида қасаба уюшмаларининг мухташам Маданият саройи барпо этилгани ана шу амалий ишларнинг бир шингилли, холос.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги каби далиллар бугунги қасаба уюшмалари давлат органларининг энг йирик ижтимоий ҳамкориға айлангани реал ҳақиқат эканини амалда кўрсатмоқда.

**Озод РАЖАБОВ,**  
қасаба уюшмалар фаоли,  
“XXI asr” шарҳловчиси.

# НУРОБОДДА НУР БОР, ЁРУҒЛИК БОР

Худонинг бермиш куни Ўзбекистонда халқаро ва минтақа ёки мамлакат аҳамиятига молик катта-кичик нуфузли анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Оддий мисол, ҳали кўп вақт бўлмади, қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳри сентябрь ойининг ўртасида дунё сие-сатчилири диққат эътиборини тортиди: Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг 22-мажлиси ўтказилди. Кечаги пайшанба ва жума кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг "Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари" мавзусидаги йиғилиши ҳақидаги унутилмас таассуротлар дунё матбуотида изчил ёритилди. Самарқанд чин маънода умид-ишонч ва истиқболли режалар манзилига айланди, десак янглишмаймиз.

Бундай улкан ва хайратли тадбирлар орасида биз тилга олмаққа чоғланаётган машарат қамрови ва кўлами жиҳатидан кўпма катта нуфузга даъвогарлик қилмас-да, лекин мамлакат сиесий майдонида етакчи деган шарафли мақомга эга бўлган O'zLiDePдаги маслақдошларимиз учун ўзига хос очиқ мулоқот вазифини ўтайди.

## ЎЗБЕКНИНГ НОНИНИ ЕГАН...

Энг қизиғи, Самарқандга сафаримиз айна саммит бошланаётган кунларга тўғри келди. Бундай тизим пайтда бировни безовта қилишнинг ўзи ноқулай. Лекин O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари-аппарат раҳбари, серғайрат сафдошимиз Илҳом Ботиров худуди Андижон вилоятидан катта Нуробод туманида иккита тадбир уюштирилаётганини айтганида йўқ дедилмадик. Катта йўл устида қуриллаётган "Schelkovo Agrohim - O'zbekiston" Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси фаолияти билан танишгач, бошимиз осмонга етди.

Барибир савол туғилади: хўш, бу завод ишга тушгудек бўлса, қандай каромат кўрсатар экан? Маълумот учун айтиш жоизки, ушбу корхона масъулларидан бири Замир Муфтахутдиновнинг изоҳ беришича, "Schelkovo Agrohim - O'zbekiston" йирик инвестиция лойиҳаси бўлиб, умумий лойиҳа қиймати 30-35 миллион АҚШ долларини ташкил этиши белгиланган. Асосан ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона насиб этса келаси йил баҳорида ишга туширилиши режалаштирилган экан.

"Камида 200 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритади корхонамизда. Уларнинг барчаси маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат бўлади. Эътиборлиси, ишлаб чиқарадиган юздан ортиқ турдаги кимёвий маҳсулотларимизнинг етмиш фоизи экспортга йўналтирилади. Бу дегани қўшма корхонамиз мамлакат иқтисодиётини бойитишга улкан ҳисса қўша-жагини англади", - дейди Замир ака биз билан суҳбатда.

Гурунгимиз мавзуси айланиб-айланиб, кейинги йилларда республикада ўсимликлар, жумладан, мева-ли дарахтлар, полиз ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда жуда оғир қийинчиликларга дуч келинаётгани ҳақида давом этди. Сабоби, табиатда шундай зарарли ва захарли ҳашаротлар пайдо бўляптики, уларга қарши курашда ҳар қандай кимёвий дориларнинг таъсири деярли сезилмаяпти. Оқибатда на далада, на томорқада деҳқончилик қилиб бўлади. Боғлардаги мева-чеваларга қирон келмоқда, сабзавот экинларидан сифатсиз ҳосил олинayпти,

Нуроллаев сўнги ташкилий ишларни келишиб олиш учун Россияда хизмат сафарига экан. Жуда қисқа вақт ичида яйдоқ далада бунёд этилаётган корхона худудига электр ва табиий газ олиб келинибди, ичимлик суви учун артезиан қудуғи ҳам қовланган. Демак, Марказий Осиёда ягона деб таърифланаётган яна бир йирик корхона очилиш ара-фасида турибди...

## ТАРИХИ АСРЛАРНИ ҚАРИТАДИ

Шу куни пешиндан сўнг Нуробод тумани марказига йўл олдик. Миттигина шаҳарчадаги "Кончи" маданият саройида Тиббиёт ходимлари байрамига бағишлаб ажойиб тадбир уюштирилибди. Ҳозир, биламиз, унча-мунча машаратга одам йиғиш осонмас. Тўй-томоша бўлсайди, унинг йўриғи бошқа. Лекин чекка бир шаҳарчада шундай ҳашаматли саройнинг борлиги ҳам катта гап. Ичкарисида йўқ нарсанинг ўзи йўқ.

Ҳамроҳимиз — бир замонлар телевидениеда намоиш этилган "Иқбол"(1985), "Кувноқлар ва зукколар"(1987) тележанрлари асосчиси, ниҳоят неча миллионлаб теле-томашбинлар эътиборини қозона олган ва одатдагидек, яна бир телеканалда навбатдаги "катта танаффус" эълон қилинган "Келин-кўёв" телешоуси бошловчиси, муаллифи Соат Шарипов байрам дастурига киритилган қизиқар-ли чиқишларни бир кўздан кечиргач, "Ишқилиб, бизгаям навбат тегармикан?" деб ҳазиллашди...

Аваллига айнан шундай ижодий кечани ўтказиш ташаббускори, жонқуяр раҳбар Анвар Муродов Нуробод тумани тарихи ҳақида бизга қутилмаган янгликларни сўз-лаб берди. Изиллаган чўл бағрида шўролар замонида бу тумanning осмондан тушган метеоритдек пайдо бўлиб қолиш тасодиф эмаслигини айтган, у бу замин қаърида дунёнинг бирор бурчагида учрамайдиган ер ости бойлик-лари қандай кашф этилганини, ўз номига муносиб тилло одамларига Нурободни обод қўшага айлантирганини тўлқинланиб сўйлади. Олис ва ақин мозий ҳақида ҳикоя-лар эшитаётган таникли журналист, "Маҳалла" телека-нали муҳаррири Рўзибой Қўлдошев беихтиёр гуруннга қўшилиб кетди:

— Биласизларми, мен яқинда бутун ҳаёти ва фаолияти афсоналарга тўла ватандошимиз, машҳур геолог олим Ҳабиб Абдуллаев ҳақида хотира кўрсатуви тайёрладим. Ма-на, ҳозир Анвар ака айтаётган ҳақиқатларни яқин-қўнлар-

сохта саҳналарсиз томошалар намоиш этилса, деган эътирофлар ҳам янгради.



**Анвар МУРОДОВ,**  
Навоий кон-металлургия комбинати  
жамғармаси давлат муассасаси Нуробод  
худудий бошқармаси директори, халқ  
депутатлари вилоят кенгаши депутати,  
O'zLiDeP Нуробод туман кенгаши раиси:

— Байрамлар ярашади бизнинг халққа. Дастлаб расмийроқ бўлиб кетмасмикан деган истиҳолога ҳам борганимиз чин. Аввало, бизнинг тақдиримизни қўл-лаб-қувватлаган O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши-дан миннатдоримиз. Яна бир қувончли томони, Тошкент-дан ўзларининг ажойиб чиқишлари билан ном қозонган ижодкорларнинг бу мулоқотда иштирок этаётгани ҳам-



вақти етди" деди у ўйчан оҳангда...

Бир тадбир баҳонасида қанча юртдошларимиз билан танишдик, дардлашдик. Эндигина туман ҳокими сифатида иш бошлаган Сирожиддин БЕРДИҚУЛОВнинг айтган сўз-лари ҳам ибратлидир:

— Ташкил этилганига салкам ярим аср тўлаётган Нуро-бод Самарқандда худуди жиҳатидан энг катта туманлардан бири. Аҳолиси икки юз мингга қоралаб бораёпти. Асосан лалми майдонлар, чорвачилик баҳоли қудрат ривожланган, қишлоқ хўжалиги бошқа соҳаларга нисбатан устунроқ ҳу-дуд ҳисобланади. Саноат, технология ҳали ривож топмаган. Шундай экан-да, деб томошабинлик қилиб ўтирадиган давр эмас бугун. Биринчи навбатда асосий ва кечиктириб бўл-майдиган вазифа битта, у ҳам бўлса давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаётган ҳаётий тамойил, одамларни ро-зи қилишдан иборат эканлигини бир лаҳза унуттишга ҳаққи-миз йўқ.

Байрам тадбирида қатнашиб, ўзим гувоҳи бўлдим: На-воий кон-металлургия комбинати жамғармаси давлат му-ассасаси Нуробод худудий бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган бу учрашувда қатнашган ҳар бир нурободлик



да ҳам билмасдик, тўғрими? Ишонсангиз, Ҳабиб Абдулло исталган жойдан бир сиким тупроқни қўлига олиб, таркиби-да қандай бойлик ёки нодир элементлар борлигини айтиб берар экан. Худди биз бугун таъриф бераётган Нурободда-ги конларни ҳам ул зот кашф этганига шубҳамиз йўқ. Ниҳоят, байрам тадбири бошланди. Эътибор-ли жиҳати, узундан узоқ маърузалар ўқилмади. Қисқа ва



мамизни руҳлантиради деб ўйлайман. Ёки олайлик, пар-тиямиз наشري, нафақат сиесий мавзулардаги, балки ўт-кир танқидий мақолалари билан ўз ўқувчиларига манзур бўлаётган "XXI asr" ижтимоий-сиесий газетаси вакиллари билан учрашув ўзгача кайфият бағишлайди. Чунки ҳозир вақтининг ўзи ғанимат. Бундай маърифий тадбир ташкил этиш ташаббусини "Навоий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти бошқаруви бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, қолаверса, O'zLiDeP Сиесий Кенгаши аъзоси, партия фахрийларидан бири Қувондиқ Санақулов ҳам тўла қувватлади.

Таъкидлашим керак, бизнинг жамоамиз катта кучга эга. Очиғи, энг савобли касб эгалари бўлган тиббиётчи-ларимиз байрамнинг шундай кўтаринки руҳда ўтказиши-миз лозим эди. Куни кеча эса Президентимиз соҳа хо-димларига табрик йўллаб, бир гуруҳ фидойий инсонларни юксак мукофотлар билан тақдирлаганидан бошимиз ос-монга етди.

Мазкур жамғарма ҳақида батафсил маълумот кел-тириб ўтириш ортқача. Негаки, асосий вазифаси ижти-моий йўналишга ихтисослашган муассасага қарашли тармоқлар талайгина экан. Энг аввало, ишчи-хизматчи-ларнинг сихат-саломатлигини муҳофаза қилиш. Нуробод шаҳридаги кўп қаватли уйлар назорати, ходимларнинг дам олиши, санаторий ва оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш, Навоий кон-металлургия комбинати тасарруфидидаги тўртта туман ва Жиззахда жойлашган бошқармаларга хиз-мат кўрсатиш, хуллас, кам эмас, 8 минг кишининг ижтимо-ий, маънавий химояси учун масъуллик...бу гоёя шарафли ишлар сирасига кирди.

Суҳбат орасида Анвар Муродов айтган бир мулоҳаза бизни ҳам ўйлантириб қўйди. Унинг изоҳ беришича, айнан Нурободда туғилиб, воғжа етган аксарият кадрлар (улар орасида тиббиётчилар кўп экан) пойтахт ёки вилоят мар-казида ишлаб, яшаб қолаётгани муаммога айланаётган экан. "Ҳам катта бир корхона раҳбари, ҳам халқимиз ишониб сайлаган депутат сифатида бу каби жиддий масалаларга ҳам энди шундай чекка туманлар кесимида ечим излаш

кўнглида эртанги кунга бўлган ишонч янада ортди, деб ўй-лайман. Мухими, ишлаш ва яшаш учун барча шароит ва им-кониятлар бор. Фақат бундан унумли фойдаланиш керак. Яна бир истагим, ижодкорлар, оммавий ахборот восита-лари вакиллари имкон қадар кўпроқ бизнинг Нуробод ту-манига ҳам кўпроқ келишин, ўз кўзлари билан бўлаётган катта-кичик ўзгариш, янгилик ва керак бўлса айрим муам-моларни кўрсин, уларга биргаликда ечим топишда кўмак беришсин. Олис кишлоқларда қандай ибратли оилалар, дуоғўй оқсоқоллар, нуроний момоларимиз бор, уларнинг ҳаёти ёшларимиз учун ҳам катта тарбия мактаби вазифа-сини ўтайди. Улуғ шоиримиз Чўлпон башорат қилганидек, халқ ичига қанча кўп кириб бораверсак, амалга оширила-ётган ишларимиз ҳам шунча баян нуктада кўриनावеради.

## СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА:

Олис Нуробод туманида ўтказилган бу тадбирда ташкилотчилар ва O'zLiDeP Самарқанд вилояти ҳамда туман кенгаши ҳам, аввало, фидойий тиббиётчилар ва партиянинг фаол аъзоларига ўзларининг совға-салом, мукофотларини тақдим этишди. Мезбонлар билан хайрлашаётганимизда партияимизнинг Нуробод кенга-ши аппарат раҳбари, куйинчак инсон Марҳаб Усанова секин ёнимизга келиб, "Оддий одамлар орасида хик-мат кўп-да, қаранг, роса хурсанд бўлишди. Партияимиз аъзолари, қадрдон газетамиз мушаррайлари эзгу ният-ларини изҳор қилишди. Тиббиётчиларни айтмайсиз-ми, бизнинг хузуригимизга бемор бўлиб эмас, меҳмон бўлиб келинлар, деган самимий дил сўзлари ибратли эмасми? Бундай юзма-юз мулоқотлар давом этавер-син!" дея кўнглидаги тилақларини билдирди.

Норқобил ЖАЛИЛ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.  
Суратларни Элёржон НЕЪМАТОВ олган.



мутахассис ва олимларнинг тавсиялари иш бермаяпти. Дўконлару дорифорушларнинг оғиз кўпиртириб, Хитой ё Россиянинг, деб мақтаб сотаётган кимёвий воситалари умуман яроқсиз. Нима қилиш керак?

"Мен аслида қурувчиман, шу корхонани барпо этиш ва ускулалар билан жиҳозлашда қатнашмаман. Сизлар айта-ётган эътирозлар жуда ўринли. Нимага десангиз, манамен деган тажрибали агроному миришкор деҳқонлар ҳам ай-ни мавсум маҳали шошиб қоляпти. Керак бўлса жойларда қанча фермерлар кимёвий ишлов бериш мақсадида сарф-лаган маблағи ва меҳнатига қуйиб кетаяпти. Мен ҳозирдан мақтамайман, бироқ "Schelkovo Agrohim" дунё бозоридан анча номдор, ўз брендида эга корхона. Маҳсулотлари ҳам чакиммас. Интернетда кўп бора кузатганман. Насиб этса, бу катта лойиҳа ўзини оқлайди. Ҳаммасини вақт кўрсатади", — дейди биз билан суҳбатда Анвар Йўлдошев.

Бир замонлар қил-қизил чўл бўлган беш чектарлик майдонда қад ростлаган бу қўшма корхонанинг келажаги-дан умиди катта кўпчиликнинг. Қолаверса, ҳамкорликда-ги лойиҳага салмоқли маблағ киритган инвестор, Россия фанлар академияси аъзоси Салист Каракотов узоқ йил-лар Навоийда ишлаган экан. Меҳр-оқибатли ўзбек халқи-нинг меңга берган нон-тузини оқлашим керак, дер экан у киши ҳар доим фаҳрга тўлиб. Ва худди шу жойнинг танлан-ганини кўриб, роса хурсанд ҳам бўлибди.

Айни пайтда ушбу корхона бош директори Бахтиёр



O'zLiDeP ТАШАБУСЦИ

# ҲАЁТНИ ҚАЛБИ БИЛАН КЎРАЁТГАНЛАР



**Нукус шаҳридаги Кўзи ожизлар кутубхонасида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир айнан шу мавзуга бағишлангани билан иштирокчиларни ҳаяжонга солди.**

Халқаро кўзи ожизлар куни муносабати билан уюштирилган ушбу мулоқотнинг юксак савияда ўтказилишига O'zLiDeP фаолари ҳар томонлама кўмаклашишди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, хайрия-

масалаларига қаратишдан иборат. Республика кўзи ожизлар кутубхонаси директори А.Ахетова, O'zLiDeP Нукус шаҳар кенгаши аппарат раҳбари Б.Адилчаев ва бошқалар жисмоний имконияти чекланганлар, жумладан, кўзи ожиз инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, жамиятда ўз ўрнини топишларига ёрдамлаштириш юзасидан мамлакатимизда самарали ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди.

Мулоқот давомида сиёсий куч сифатида қисқа муддатда катта муваффақиятга



лари билан танилган француз олими, нобел педагог, кўзи ожизлар учун дастлабки таълим муассасаси асосчиси Валентин Гаюи 1745 йилнинг 13 ноябрь куни таваллуд топган. Шу инсоннинг хотираси ҳурмати Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қарорига кўра, 1984 йилдан айна сана Халқаро кўзи ожизлар куни деб эълон қилинди.

Бу кунни нишонлашдан мақсад ҳақон ҳамжамияти, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари эътиборини кўзи ожизлар ҳаётини яхшилаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, соғлигини тиклаши учун зарур шароитларни яратиш

эришган O'zLiDeP ташкил қилинганига 19 йил тўлиши муносабати билан партия фаолиятига оид масалалар муҳокама қилинди. O'zLiDePнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан кутубхона фондига Президентимизнинг "Янги Ўзбекистон стратегияси" китоби топширилди.

Тадбир якунида кутубхона ходимлари O'zLiDeP аъзолигига қабул қилинди ва бу ерда партиянинг янги кўйи бўғини очилди.

**O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати**

## “ГАПИРУВЧИ КИТОБЛАР”

**O'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши “Аёллар қаноти” вакиллари томонидан Термиз шаҳридаги “Эски шаҳар” маҳалласида жойлашган вилоят Кўзи ожизлар кутубхонасида ўзига хос тадбир ўтказилди.**

Айни пайтда ушбу муассаса 43 646 та китоб фондига эга бўлиб, шундан 11 034 нусхаси Брайл алифбосида, 7258 таси эса ўрам, кассета ва пластинкаларга ёзилган. Электрон диски адабиётлар 1272 нусхаси ташкил этади. Кутубхонанинг туманларда 13 та филиали мавжуд.

Ҳозирда кўзи ожизлар кутубхоналарида хизмат кўрсатишнинг энг самарали тури бўлган оилавий абонемент, овозли ўқуш, библиобус усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, янги китоблар кўрашлари, ижодий учрашувлар қизиқарли тарзда ташкил қилиниб, кутубхона ва китобга бўлган эътибор ошириб бормоқда.

Маърифат маскани қошида “Зиё” китобхона клуби ҳам ишлаб турибди. Шунингдек, филиаллардаги “Гапирувчи китоб-

лар” тўғраги кўриш имконияти чекланган ва кутубхоналарга келиш мушкул бўлган китобхоналар учун айна мудоао бўлмоқда.



Тадбирда, шунингдек, “Аёллар дафтари” орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бир йўла иштирокчиларга партиянинг мақсад ва вазифалари тушунтирилди. Кутубхона раҳбари Хусан Исомқулов ва бошқа ходимларга партияга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

**O'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот хизмати**

АКС САДО

# ИЛЛАТ ЭМАС, ҲИКМАТ ИЗЛАЙЛИК!

Аввалроқ куйинчак журналист Шарофиддин Тулагановнинг Facebookдаги саҳифасида босма нашрлар муаммоси ва бевосита бу мавзуда телевиденида бўлиб ўтган баҳс-мунозараларга оид фикрларини ўқиб қолдим. Жуда таъсирчан ёзилган. Бугун яна лентамда “мажбурий обуна” ҳақида бир ўқитувчининг мулоҳазасига кўзим тушди. Ўзини зиёли, ўқитувчиман деб атаётган одам газетани “жирканч” деб атабди. Екамни ушлаб қолдим.

Сўнги вақтларда яна обуна масаласи энг кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бири бўлиб қолди. “Мажбурий ёки ихтиёрий мажбурий обуна!” Жудаям қизиқ терминлар пайдо бўляпти!

Шахсан мен ҳарфларни мактабга бормасдан аввалроқ таниганман. Уйимизга жудаям кўп газета ва журналлар келарди ўша пайтларда. Акаларим уларни ёйиб қўйиб, алифбоддаги ҳарфларни топишми айтишарди, яъни “катта А”ни топ, кичик “Б”ни кўрсат! дегандек. Мақтаншмасу лекин 1-синфга борганимда, аллақачон ҳарфларни таниб бўлган эдим...

Эсимни танибманки, уйимизга марказий нашрлар (“Известия”, “Правда”, “Труд”, кейинчалик “АиФ”), Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг нашрлари (“Советтик Қирғизистон”, “Совет Ўзбекистони”, “Ленинчил жаш”, “Ёш ленинчи”, “Саодат”, “Шарқ юлдузи”, “Фан ва турмуш”, “Муштум”, “Чалкан”, “Гулхан”, “Ғунча”, “Ленин учкуни” кабилар) келар ва уларни ўқиб, дунёқарашимиз, онгимиз ўзгарган. Аллоҳга шукур, ўқиб, зарар кўрмадик. Ҳар қалай ўз фикримизга эга бўлдик, бирор масала юзасидан гапимизни айта-

диган бўлдик. Бу нафақат бизнинг оилага, балки ён-атрофимиздаги барча кўни-кўшиларимизга ҳам тегишли эди. У маҳаллари газета-журнал олмайдиган хонадоннинг ўзи йўқ эди. Почтачлар эрталаб ҳам, кечурун ҳам сумкаларини тўлдириб, газета-журнал тарқатарди. Ҳеч ким нолимасди, аксинча ўқиган нарсасини бир-бирига айтарди. Ҳеч бўлмаса битта мақола, битта шеър, битта хабар ўқиларди.

Бугун-чи? Ҳозир обуна деган сўз одамларга бало-қазодек кўринапти, эшитилляпти. Қаерда шу ҳақда гап очилган баҳс-мунозараларда ҳолислик, босиқлик унутилляпти. Ҳатто шахсиятга тегиш, қизиққонлик учраляпти. Энди ўйланг, одам қандай қилиб, газета ўқимасдан туриб, бу мавзу юзасидан фикр билдириши мумкин? Постларда изоҳ ёзаётганларнинг аксарияти газета ўқимаслигини, шу боисдан “мажбурий” деб аталган обунага қаршиликни ёзляпти. Жудаям кулгили, ачинарли ҳолат бу. Шоша-пиша “зерикарли, қизиқ эмас, ўқимайман” деб айтиш мен

умримда овқат емайман деганга ўхшаш гап эмасми?

Бундайларга айтарим: газета-журнал, китобдан қочинглр. Умуман ўқиманг. Қуриб кетсин газетаси. Шунинг ўрнига болангизга қимматбаҳо телефон, компьютер, ноутбук, планшет олиб бера қолинг. Ҳафтасига фалон сўм тўлаб интернетга улаб қўйинг. Болангиз газета-журнал ўқиб одобли бўлиб қолсинми. Одамлар нима дейди? “Фалончининг ўғил-қизи қара, шундоқ замонда телефон тутиб, интернетга кириб, алламбало сайтларга кирмай, Тик-ток, Инстаграм, Биғони кўрмай юрибди. Уят эмасми!” дейишинми энди? Бу нашрларда фой-

дали нарса ёзишмайди. Кимгадир ёрдам бериб, раҳмат эшитганини мактаб ёзишдан нима фойда? Ундан кўра дўкандан бир шиша сув ё бир қути печенье, папиросни қандай ўғирлашни, ҳеч кимга билдирмай қандай олиб чиқиб кетишни ёзишмайди? Агар ана шу газитчи бундоқ керакли нарсаларни

ёзганида, бугун бир она қақшаб ўтирмас, дунёга тўймаган бир бола ўлиб кетмаган бўларди! Журналистлар қаёққа қараяпти? Керракмас газеталар. Нима қилади болаларини, оиласини интернетдаги текин томошалар, телевидеодаги маза-бемаза сериаллар, шоурлар билан тарбиялаётганларга ҳалақат қилиб?..

Узру лекин, инсоният учун шу вақтгача маънавий озукка вазифасини ўтаб келган газета-журнал ва китобларни ҳам балчиққа булғаб асоссиз қоралаётганларнинг қарашларини ўқиб чидаб туролмадим. Соғлом фикр билан боқинг. Ҳўш, газета ўқиб, ким зарар кўрган? Борми, шундай одам?

Бир сўз билан айтганда: матбуот бизга керакми?

Керак албатта! Газета-журналлар жамиятдаги муаммоларни кўтариб чиқиш (айрим нафсини жиловлаб олмаётган блогерлардан фарқли ўлароқ босиқлик, қонунни ҳурмат қилган ҳолда), одамларнинг ижтимоий ва сиёсий онгини юксалтириш, танқид ва таҳлил қилиш салоҳиятини оширишга хизмат қилади ва қилиб келган. Тўғри, бугун интернет оммалашиб бормоқда. Бироқ аксар инсонлар интернетдан қандай мақсадда фойдаланяпти ўзи? Ахборот ва фойдала маълумот оляптими? Менимча, йўқ! Аксариятимиз интернетдан шов-шув, ғийбат, уруш-жанжалларни кузатиш учунгина фойдаланяпти халос. Хуллас, шоир айтганидек, иллат излаганга иллатдир дунё, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё!

Шухратбек САМО



# Журналист ким?! ЁХУД ГАЗЕТАНИ ЎҚИМАГАНЛАР УНГА ҚАНДАЙ БАҲО БЕРА ОЛАДИ?!

**БУ МАҚОЛА САЛ АВВАЛРОҚ ЁЗИЛГАНДИ. АЙНАН ШУ КУНЛАРДА БОСМА НАШРЛАРНИНГ, АНИҚРОҒИ, ГАЗЕТАЛАРНИНГ ТАНАЗЗУЛИ ҲАҚИДА “ТЎЛҚИНЛАНИБ” ГАПИРАЁТГАНЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ ТИЛИМНИ ЯНА ҚИЧИТДИ...**

Энг ачинарлиси, газеталарнинг қандайлиги ҳақида газетани ўқиб у ёқда турсин, ҳатто умрида қўлига ушлаб кўрмаган замондошларимиз ҳам фикр билдираётганлиги кишини таажжублантиради. Ажаб! Газетани ўқиманг деган қандайлигини қаердан билади?

Хуллас, эски мақоламдаги фикрларим эскирмаган...

Яна куз келди... Кузда журналистларга яна ўйлов тушади, янги мавсум, янги ташвишлар бошланади. Ғалвир сувдан кўтарилмайди, жўжалар ҳам санайдиган даражада унча кўп эмас... Нима учун дейсизми? Сабаби битта ҳарф устида тикка турадиган соҳа эгаларининг елкасида яна бир юк бор. Ижод қилиш ўрнига ОБУНАнинг ғамини ёйиш керак! Чунки бугун газета-журнал ўқийдиганлар камайиб кетди. Жамма-ни аллақачон интернет сеҳрлаб, эгаллаб бўлган...

Обуна мавсуми бошланди дегунча, дўстлар ҳам биздан оловдан қочгандек қочади. Обуна ҳақида гапирмасимиздан сўхбатларимизга совуқлик туша бошляйди. Шоирнинг қуйидаги сатрлари беихтиёр ёдимга тушди:

**Бирдан бу жанобнинг  
буршиди юзи,  
Қайноқ сув оғзини  
қуйдирди худди...**

Журналистнинг дарди обуна эмас, одамларга маърифат улашиш, оз бўлса-да маънавий озукка беришдан иборатлигини тушунишлари қийин. Халқимизнинг қувончидан кўра кўпроқ ташвишларига шерик бўлаётган журналистларимизнинг кўп нарсаси нега “кўли етмаяпти”? Нега Президентимизнинг оммавий ахборот воситалари билан мулоқот қилмайдиган раҳбарларнинг келажиги бўлмайдиган, деган сўзларига жиддий ёндашиш сезилмаяпти?

Республикамизда юзлаб, минглаб соҳа ва тармоқлар бор. Ҳаммасининг ошиғи олчи. Нега дейсизми? Чунки улар обуна деб бошини қотириб юрмайди. Журналист эса ҳамон тилёғлама, сўзи бошқа, иши бошқа, тили бошқа, дили бошқа амалдорлар қўлига, кўнглига қараб хуноб бўлаверади. Нега қарайди, қарамасин дейсизми? И-е-е, қандай қарамайди. Ахир айримларнинг “ўтказиб қўйган” жойи бор-да...

Биророртанинг кўнглига ёқмайдиган гап қилиб, томорқасига тош отиш осон эканими? Кошки, гоҳида индамай, жим юрганга, айрим камчиликларни кўриб-кўрмасликка ўрганганимизга лойиқ бўлса экан уларнинг айримлари. Қўйиб қолсанг арзийдиган муассислар бармоқ билан санарли. Баъзилари эса...

Тўғри, “Янги Ўзбекистон”, “Халқ сўзи”, “Ишонч”, “Постда”, “Ватанпарвар” каби бармоқ билан санарли газеталарнинг муассислари ўз нашрларини қўлаб-қувватлаётгани қувонарли. Лекин мамлакат аҳолиси сонига бу рақамлар солиштирилмайдиган бўлса, ачинарли...

Тўғри, “Янги Ўзбекистон”, “Халқ сўзи”, “Ишонч”, “Постда”, “Ватанпарвар” каби бармоқ билан санарли газеталарнинг муассислари ўз нашрларини қўлаб-қувватлаётгани қувонарли. Лекин мамлакат аҳолиси сонига бу рақамлар солиштирилмайдиган бўлса, ачинарли...

Тагин газеталарга айрим муассисларнинг ҳужайинлигини кўринг... Эсимда бир вақтлар газета ўқиманг кадрлар билимли ва салоҳиятли бўлишига қарамасдан, бирор нуфузли идорага ишга қабул қилинмасди. Ҳар тонги газеталарда қандай хабарлар ёритилганлигини сўрашдан бош-

ланарди ходимларнинг иш соатлари. Булар мажбурият эканигини кўпчилигимиз жуда яхши эслаймиз.

Муассисларнинг Низомда кўрсатилган мажбуриятлари нега бажарилмайди, дейсизми? Бу масала бирор марта бирор жойда на айтилади, на муҳокама қилинади. Чунки улар муассис...

Тўғри, матбуотга дахлдор ташкилотлар кўп. Афсуски, улар бугун томошабинлик ролини қўйилмақом қилиб урдалашляпти. Балки босма нашрлар мониторинги билан шуғулланаётган бўлиши мумкин. Қайсидир газета ё журналда бирор давлат аҳамиятига молик ҳужжатларда хатоликлар қилиб кетган бўлса тақдирини киритаётгандир. Аммо нега бу ОАВ олти ой ёки йиллаб қичмай ётибди, ходимлари қаерга кетди, фалон газета адади минтагага бормаяпти, иқтисодий аҳоли қандай бўлади, нега номи улуг, супраси қуруқ бўлган таъсисчиси тегишли чора кўрмайпти, деган жиддий саволларга бу идоралар бирор марта жавоб излаб кўрганга ишонмайман.

Агар журналистика соҳасидаги ютуқ-муаммоларга ана шу ташкилот раҳбарлари очикчасига ечим излаганида эди бугунги кунда неча юзлаб босма нашрлар жарлик ёқасида турмаган бўлармиди. Кимнингдир менинг ёзганларимга шубҳаси бўлса, мустакил равишда ўргансин, қанчалаб газета ва журналлар ҳозирги кунда дахлшати тарзда банкрот ёқасига келиб қолганлигига гувоҳ бўлади. Бунинг учун ким жавоб беради? Биринчи навбатда асосий жавобгар ана шу ОАВни таъсис этган давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари эмасми? Ёки айб зўрға кун кўраётган журналистлардами, айтинг!

Биламан, бу фикрларимга қарши иддаолар бир дунё: масалан, “Газета яхши бўлса, одамларнинг ўзи топиб ўқийди, обуна бўлади”, “Танқидий мақолани кўпроқ ёритсангизлар, газета

ўқишли бўлади”, “Ҳозир интернетда-ку ҳамма ахборотлар” деган таъналарга жавобимиз газетани ўқимайдиганларга ёқмаслиги аниқ. Танқидий мақолада номи зикр этилган жанобнинг тўпигида сув чиқмаса танқиднинг таъсири бўладими? Танқиддан кейин муаммони ҳал этиш эмас, танқид ёзган журналистнинг “масаласини ҳал этиб”, танобини тортиб қўйиш трендга айланса, танқидий чиқишлар талабига қўширноқ ичида “лаббай” деб жавоб берилса... бу ёғи ўзингизга аён.

Хуллас, “ЖУРНАЛИСТ КИМ?” деган саволимга янгича жавоб топдим. Журналист — обуна мавсумида ҳамманинг “хизмат доираси”дан ташқарида бўлган, аммо кимларгадир керак фурсатда “Ерга кирса қулоғидан, осмонга чиқса оёғидан тортиб” топиладиган шахс. Журналистларга эса бу каби муаммоларни мардона енгиб ўтишларига куч-қувват ва сабр-тоқат тилайман. Биз Ҳазрат Навоий таъкидлаганларидек, pista пўчоғидан кема ясаб юрмаймиз, ахир маърифат чироғи қўлимизда, у албатта, йўлимизни ёритиб туради ва ёруғ манзилларга етаклайверади. Дарвоқе, асосий гапни айтмабман. Китоб, газета-журналлар ўлмаган! Ҳеч қачон ўлмайди ҳам!

Хуллас, “ЖУРНАЛИСТ КИМ?” деган саволимга янгича жавоб топдим. Журналист — обуна мавсумида ҳамманинг “хизмат доираси”дан ташқарида бўлган, аммо кимларгадир керак фурсатда “Ерга кирса қулоғидан, осмонга чиқса оёғидан тортиб” топиладиган шахс. Журналистларга эса бу каби муаммоларни мардона енгиб ўтишларига куч-қувват ва сабр-тоқат тилайман. Биз Ҳазрат Навоий таъкидлаганларидек, pista пўчоғидан кема ясаб юрмаймиз, ахир маърифат чироғи қўлимизда, у албатта, йўлимизни ёритиб туради ва ёруғ манзилларга етаклайверади. Дарвоқе, асосий гапни айтмабман. Китоб, газета-журналлар ўлмаган! Ҳеч қачон ўлмайди ҳам!



Маруса ҲОСИЛОВА,  
журналист

18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

# ВАТАН ВА МИЛЛАТ ҒУРУРИ

**ЭРТАГА ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ РАМЗЛАРИДАН БИРИ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИГА 31 ЙИЛ ТЎЛАДИ.**

**Дунёни сўзлар ва қонунлар эмас, балки белгилар, рамз ва тимсоллар бошқаради. Конфуций**

Байроғимиз Ўзбекистон халқининг асрий орзулари, миллий қадриятлари, фидойилик ва бағрикенглигини ўзида мужассам этган. Асосийси, кўпмиллатли халқимизнинг фахри, ғурури сифатида давлат идора ва муассасалари, ўқув юртлири, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб туриши, турли байрам ва тантаналарда, мамлакатимиз вакиллари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шаъни ҳамда халқимизнинг ифтихорини ёрқин акс эттириши барчамиз учун фахр бахш этади. Жумладан, жорий йилда ёш шахматчиларимизнинг халқаро беллашувларида ғалаба қозонганида чемпионларимиз шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида бошимиз осмонга етиб қанчалар қувондик. Шу боис, байроғимиз давлат ва жамият ҳаёти, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда мақомини кўрсатишда давлат рамзи сифатида муҳим аҳамият касб этади ҳамда давлат байроғи қабул қилинган санани кенг жамоатчилик билан нишонлаш, тарғиб ва тадбирлар ташкил этишнинг ўзи ҳам байроққа ҳурмат, ҳам ватанпарварликдир.

Авалло ватанпарварлик тимсоли сифатида қадрланадиган байроқ тарихига назар ташлайтилик: байроқ – азалдан халқ ва давлатчилик тарихини ўзида акс эттириб келган муборак рамзлардан бири эканлиги барчага аён. Масалан, тарихий манбаларда қайд этилишича, дастлаб байроқдан қабилаларни бир-биридан ажратиш, фарқлаб кўрсатувчи белги сифатида фойдаланилган. Жумладан, эраимиздан аввалги III-II минг йилликда пайдо бўлиб, кейинчалик улар ҳукмдорлар, лашкарбоширларнинг ҳукмронлигини билдирадиган рамзга айланган.

Илмий жиҳатига назар ташлайдиган бўлсак, Вексиллология – байроқлар ва баннерларнинг барча турлари, уларнинг шакллари, таркибий қисмларини, гералдик ёки махсус рамзий белгиларни, баннерлар ва байроқлардаги гул композицияларини ўрганадиган, уларнинг келиб чиқиши, ижтимоий ва мақсад-



ли функцияларини, тарихий ролини, тимсол белгиларининг эволюцияси ва миграциясини белгилайдиган тарихий фан томонидан тадқиқ этилади.

Замонавий байроқларнинг илк намуналари — ҳарбий белгилар, баъзан рангли хошиялар билан безатилган, тепаларида турли хил фигуралар устунлар шаклида фойдаланилган. Бундай белгилар қадим замонлардан бери маълум бўлган, уларнинг тасвирлари қадимги Миср ва Оссурия тимсолида топилган. Улар кўмондоннинг ҳам, аскарларнинг ҳам ёрдамчилари кўлида бўлиб, ҳар қандай вақтда белги билан маълум бир бўлинма қаерда жойлашганини аниқлай олиб, ўзлари турган манзиллари ҳақида хабар беришган.

Қадим Римда рангли матолар устунлар тепасига ўрнатилган. Бундай белгилар “вехиллум” (лотинча сўз - баннер) деб номланган, улар замонавий байроқларнинг дастлабки аждоди бўлган. Ва бу сўз байроқлар фанининг

номига асос бўлиб – вексиллология байроқ фани дейилган.

Илк мато байроқлар Хитой, Ҳиндистон, қадимги Римда пайдо бўлган ва битта биринчи байроқни тарихчилар унинг пайдо бўлишининг тахминий санасини милоддан аввалги 1100 йилларда деб тахмин қилишди...

Республикаимиз давлат байроғидаги рамзлар Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқликни ҳамда юртимиз ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг аъналарини ўзида мужассамлаштирган. Чунончи, бизнинг ҳудудимизда саклар, массагетлар ўзига хос белги сифатида турли матолардан фойдаланишгани қадимги тарихий манбаларда, адабий ёдгорликларда, тасвирий санъат асарларида кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, бизнинг бой тарихимизда ҳам рамз ва тимсолларнинг ўрни беқиёс. Зеро, миллий рамзлар ор-номус, шон-шараф

тимсоли саналган. Оддий бир мисол сифатида Шайх Нажмиддин Кубронинг жасоратини эслайтилик: юрт байроғини ёв қўлига топширишни истамаган шайх бобомиз уни қўлида маҳкам тутганча жон берган. Душман ҳарчанд уринмасин, унинг қўлидан байроқни тортиб ололмади, охири панжалари билан кесиб олади. У Ватан байроғини баланд кўтариш баробарида ўзи ҳам байроққа айланади.....

Туғини жонидан ортиқ асраган Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби ўнлаб саркардалар ҳаёти ҳам бугун авлодларимизга катта ибрат мактабидир. Аслида Ватан байроғини кўзга суртиш, уни тўтиб қилиш она юртни севиш, унинг учун жонини фидо қилишга тайёр бўлиш деганидир. Ватани бир нафас ҳам тарк айлаш, онадан айрилган гўдак кўзидеги ёшдек ғамли, ўкинчли, изтироблидир. Давлатчилигимиз тарихининг барча даврида шу азиз тупроғу миллат рамзлари, Ватан тимсоллари энг азиз ва муқаддас қадрият сифатида эъзозланган. Туғ, тамга миллат, халқ, давлатнинг ор-номуси каби асралган. Муқаддас рамзларни асраб қолиш йўлида аждодаларимиз, ҳатто, ўз жонидан ҳам кечганини кўрсатувчи бундай ҳаётий тимсоллар оз эмас. Байроқ, тамга билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат шундаки, жангу жадалларда давлат рамзларини энг ишончли баҳоқорлар, паҳлавонлар кўриқлаган, кўтарган.

Донолар “Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч қачон ҳеч нимани сева олмайдир”, – дейдилар. Таъбир жоиз бўлса, бизнинг она Ватанимизга, шу муқаддас тупроққа бўлган муҳаббатимиз миллий рамзларга бўлган муносабатимиз орқали ҳам шаклланади, ифодаланади. Тарихий манбаларда ёзилмишча, буюк соҳибқирон Амир Темур давлат рамзларига жуда юксак сиёсий аҳамият берган. Жаҳонгир жанг майдонидан бир лашкар омон қолса ҳам, у мамлакат байроғини баланд тутсин, деб фармон берган. Байроқнинг эгилиши мағлубият белгиси деб қабул қилинган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган давлатларнинг тарихда маълум бўлган байроғи — бу XIV аср охиридан

XVI аср бошларигача мавжуд бўлган Темурийлар империяси байроғидир. Унинг асосчиси Амир Темур испан элчиси Руи де Клавихонинг гувоҳлигига кўра, ўзининг шахсий муҳрида учбурчак шаклида жойлашган учта доира тасвирдан фойдаланган. Улар тангаларда ҳам зарб қилинган. Вақт ўтиши билан бу рамз салтанати байроғига ўтган. Амир Темур давлатининг байроғи сингари герби ҳам бўлган. Жумладан, Амир Темур яратган марказлашган давлат ўзининг герби – уч халқа шаклидаги тамғаси билан танилган. Соҳибқироннинг юришларида лашкар олдида унинг туғи – байроғи олиб юрилган. Амир Темур давлати байроғининг ҳам ранги мовий рангда бўлган.

Кенг тарқалган маълумотларга кўра, доиралар ўша пайтда маълум бўлган дунёнинг уч қисмини (Осиё, Европа ва Африка) англатади ва байроқ эгаси уч қитъа хўжайини эканлиги тушунилади. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида давлат туғи адолат, буюк куч-қудрат рамзи ҳисобланган. Бу эса салтанат рамзлари нечоғли баланд мақом тутганидан далолат беради...

Шу боис ҳам давлат рамзлари ҳамisha муқаддас ва улуғ саналади. Чунки у халқнинг ўтмиши, бугунги ва келажакини ўзида мужассам этган Ватаниннинг ёрқин тимсолидир. Ўзбекистон байроғи тинч ва осойишта, озода ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажакимизга бўлган ишончимиз тимсолидир. Давлат рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга юрт манфати ҳам недан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар биримиз ёдда тутушимиз шарт.

Зеро, бу дунёда миллат ва элатлар, халқлар ва давлатлар кўп, лекин Ўзбекистон дея аталмиш ўлка, мамлакат битта, ягона. Шу боис ҳам фахру ифтихорга тўлиб айтиш керакки, давлат байроғи қабул қилинган кун юрт ва миллат, халқ ва давлат байрами. Бу Учтинчи Ренессанс асосчилари учун ҳам беқиёс ғурур бахш этиш кун!

**Фируза МУҲИДИНОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети  
профессори

КЎЗГҮ

## ОТ ЙИҒЛАГАН КУН



**Бу гапни дастлаб эшитганимда ашона билангандим. Бироқ Мирзаабдулла ака ишонмай уршагач...**

– Ҳа, отнинг йиғлагани рост, – деди у. – Дадамга ўн бир йил ҳамроҳ бўлган ўша жонивор зулукдай қоп-қора эди. Далада тизгинини бўйнига ташлаб кўярдилар, бир қадам нари кетмай ёнларида юрар, тўхтасалар, кўзларига термулганча қотиб тураверарди...

Ўша кун бомдодга яқин отам узилдилар-у, от безовталана бошлади. Аламли кишнашларига, тинимсиз дупур-дупурига тоқат қилиб бўлмасди. Муродилла акамнинг гаплари билан чилвирдан бў-

шатиб, дарвозахонага олиб чиқдим. Аммо боғлагим келмади. Жонивор ўша ерда ярим кун бошини кўтармай турди. Ҳеч нарса емадим. Жаноза ўқилиб, тобут кўтарилганда олд оёқлари билан чўккалаб олди. Бадани титраб, иккала кўзидан шаррос ёш куйиларди. Тоғам, акам – ҳаммамиз “дод” деб юбордик.

Издихом елкасидаги тобут отнинг олдида кўйилди...

Овози титрай бошлаган Мирзаабдулла ака бир ютини олиб давом этди:

– Ҳозир сизга айтиб беришга сўз тополмайман, ука. От жонивор кишнамасди, худди инсондай ўкраб-ўкраб йиғларди. Қабристонга ҳам тобутнинг ёнгинасида одамлардай одим ташлаб борди.

Туёқларидан “тиқ” этган товуш чиқаргани йўқ. Тупроқ тортилиб бўлгач ҳам чўккалаб олган от бошини кўтармай тураверди.

Менга чопон топилмай, отамнинг бир-икки бор кийилган тўнларини беришганди. Ҳўнграганча отнинг бўйнидан кучоқладим. У таниш ҳидни олиб ўрнидан турди.

Мотамсаро отнинг ўша кунги ҳолини ўнгимда кўрганимга баъзан ўзим ҳам ишонмай қоламан. Лекин бу воқеага бутун қишлоқ, таъзияга келганларнинг бари гувоҳ бўлганди...

**Рустамжон УММАТОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

## АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!



Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ. Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг. Бунинг учун телефонингизга “Play Market” ёки “App Store”дан “XXI asr” иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз кифоя.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



**Бош муҳаррир**  
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Тахрир хайъати:**  
Ақтам ХАИТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шухрат БАҒОЕВ  
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД  
Адхам ШОДМОНОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ  
(Бош муҳаррир уринбосари)

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73<sup>а</sup>-уй.

Электрон почта:  
xxi\_asr@mail.ru  
xxi\_asr@mail.ru

Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 1151 Адади: 4859

Электрон обуна – 1355

Бахоси келишилган нарҳда.

Топширилди – 21:00

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнерлар



**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**  
**1 2 3 4 5 6**

Навбатчи муҳаррир:  
**Озод РАҲАБОВ**